

# milliy tiklanish

№ 5 063

www.mtgazeta.uz | fb.com/milliytiklanish

## «ТАСКИН»

умид уйидаги ҳар сония қалбимизни ларзага солди...

3с

## МАҒЖУРАСИЗЛИК САБОҒИ



4с

## ВАЗИЯТГА НАЗАР

Одамларни рози қилиш Янги Ўзбекистон сиёсати



3с

# ХУЖРАЛАРДА ДИНИЙ ТАЪЛИМ ОЛГАНЛАРНИНГ 66 ФОИЗИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДИР

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 20 июль куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимиз таракқиётининг энг муҳим босқичида олий таълим тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Бирок жамиятимизда олий таълим билан боғлиқ нотўғри қарашлар, фикрлар ҳамон давом этяпти ва бу иқтисодий таракқиётга ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Йиғилишда қоритимизда бир-

мат қиладиган янгиликларни яратиш масъулиятини зиммасига олиши керак. — Афсуски, бугун нафақат олий таълим, аксарият тизимлар ҳам бу вазифани тўла бажара олмаяпти. — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров. Видеоселектор йиғилиши бўйича бошқа депутатлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан кейин депутатлар чет эл фуқароларининг ва фуқароларни бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди. Қайд этилишича, ушбу қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига зид бўлган, давлатлараро, миллий, диний адоватни келтириб чиқарувчи, халқимизнинг шаъни, кадр-қимматини, тарихини таҳқирловчи оммавий



Давлатнинг ўзи мактабларда диний билимларни ўқитиш билан шуғулланиши лозим. Агар бу масалани давлатнинг ўзи мактабда назорат қилмаса, кўриб турганимиздек, бошқалар болаларимизга хужраларда ўргатапти.

гина техника йўналишидаги 36 та давлат олийгоҳини йилга 67 минг бола битириб чиқаётгани, аммо улардаги дастур ва мутахассисликлар ишлаб чиқарувчилар талабига мос эмаслиги танқид қилинди. Оқибатда муҳандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишда ишламаяпти. Олий таълим муассасалари фундаментал тадқиқотлар ўтказиш билан чекланган, иқтисодий учун амалий ишланмалар эса жуда кам. Юқори малакали муҳандислар ҳали етарли эмас. Олий ўқув юртлири билан саноат ўртасида узиллиш бор. Гарчи охириги етти йилда олий таълим қамрови 5 баробарга ошган бўлса-да, ёшларнинг муҳандислик-техникага қизиқишлари пастлигича қолмоқда. Шу бонс, муҳандислик йўналишида юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар «қоғоз»да қолиб кетаяпти. Таъкидлаш лозим, олий таълим фақат диплом учун ўқийдиган жой эмас. Олий маълумот олган ҳар қандай йиғит-қиз Ўзбекистонни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигига хиз-

чиқишлар ёки ҳаракатларни содир этган чет эл фуқаролари ва фуқароларни бўлмаган шахслар Ўзбекистонга киритилмайдилар. Агар улар Ўзбекистонда бўлса, депортация қилинади ва унга нисбатан бир қатор таъқиқлар қўлланилади. Хусусан, бундай фуқароларнинг 5 йил муддатга Ўзбекистонда банк ҳисобварақларини очиши, қўчмас мулк сотиб олиши, давлат мулкни хусусийлаштиришда иштирок этиши, молиявий ва шартномавий муносабатларга киришиши таъқиқланади. Йиғилишда «Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

## Олий Мажлис Сенати ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга доир яна бир муҳим қонунни маъқуллади



### Танзила НОРБОЕВА:

«БУ ОДАМЛАР ОНГИДА «ИСТАЛГАН ЕРНИ ЭГАЛЛАБ ОЛИБ, ИМОРАТ СОЛСАМ БУЛАВЕРАДИ, ДАВЛАТ БАРИБИР РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРАВЕРАДИ», ДЕГАН НОТЎҒРИ ҚАРАШНИ ШАҚЛАНТИРИБ ҚУЙМАСЛИГИ КЕРАК!»

Ҳақиқатан ҳам ўзбошимчлик билан эгаллаб олинган ерлар ҳамда уларда қурилган бино-иншоотларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича кейинги йилларда эъло қилинган «акция»лар инсон манфаатлари йўлида амалга оширилмоқда.



## Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ташкил этилади

Қарорга кўра, Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти негизида А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда педагогик маҳорат марказлари ташкил этилади.

Бу, жорий йилнинг 21 июль куни қабул қилинган «Мақтабча ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарориди белгиланди. Хужжатга кўра, Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфидаги Республика педагогик таълим ресурси маркази фаолияти уларни Институтига қўшиш орқали тугатилади. Институти тузилмасида Халқаро тадқиқотлар маркази ташкил этилади. Шунингдек, 2024/2025 ўқув йилидан мактабча ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизими жорий қилинади. Бунда: — мактабча таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги бўйсунувига ўтказилади; — мактабча таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича «Виртуал касбий ривожлантириш» электрон дастури жорий этилади.

ЎЗА

2


Давоми 2 саҳифада

2с

«MILLIY TIKLANISH»



АНОНСЛАР



КЎЗИМИЗ ОЧИЛИШИ УЧУН АЛБАТТА СИНОВ-КЕРАМНИ БИЗГА?

## ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРМАЙ, ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

# ШАРАФ ИЮЛИ



4 саҳифа

# 42

Фондга ошди. ОТМларда сиртки ҳамда кечки таълим шаклларининг ташкил этилиши натижасида эса талабалар контингентиди 24 ёшдан юқори аҳоли гуруҳларининг улуши кескин кўнади. Умумий талабалар сони эса 1,3 млн. нафардан ошди.











Умр йўлдоши, жигари ёки фарзандини кўзлари тўрт бўлиб кутган мушфикаларнинг сабру тоқати, жасорати-ку, жилд-жилд китобларга жо бўлгулик эди. Гарчи жангу жадалга кирган оталар, эрлар, ўғиллар бўлсада, мудхиш урушнинг қорайган дарду фироқини тортган садоқат соҳибалари бўлди.



Яқин кишиларнинг хақида бироқ гап айтиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, кадрларнинг хақида кўп нарса биласан, қийинлиги шундаки, ҳар сафар кўлингга қалам олганингда арзитиб фикр билдира олармиканман, деган масъулият андишасида бўласан. Менинг ҳолатим эса икки қарра қийин, негаки, хотирасини ёдга олаётганим Инсон – улуг Шах, шарафли умр йўлини босиб ўтган Олим, Устоз ва Арбоб, табаррук Ойлабоши, самимий Дўст. Қолаверса, у кишини таниган-билганимга ҳам 70 йил (!) тўлибди: 70 йиллик тарихни 7 бетлик мақолага келтириш эса амри маҳол экан...



Мақтаб яратган олим, академик Тўхтамурод Жўраевни хотирлаб...

# ШАРАФ

Хаёт қизиқ нарса: қачон туғиласан, қаерда туғиласан, хаётнинг қай манзилда, қайси оқим билан кечади, ўнқир-чўнқир, пасту баянд сўкмоқларда қимларга рўбарў бўласан, билмайсан. Билмаганинг учун ҳам умид билан, шитоб билан яшайверасан. Бугун хаётимнинг айни палласида ўтган умримга назар ташлар эканман, тақдир мени ҳаминша яхшилар ва яхшиликлар билан сийлаб келганидан шукроналик хиссини туяман.

Тўла-тўқис англамагандирмиз, лекин гувоҳи бўлганимиз шўрлик ота-оналаримиз, буви-буваларимиз ҳар дақиқада ажал шарпасини сезиб яшашган... Мақтабга бориб, савод чиказа бошлаган пайтларимиз эса таҳлиқалар салтинган, одамлар тақдирга тан бериб, тикланиш ишларига бел боғлашган пайтлар эди. Аммо урушнинг инсонлар қисматида қолдирган илон изли чандикларини пайкамасликнинг иложи йўқ эди. Хонадонлар тўрида ота, эр, ўғил шу уйдан насобам узилмасин, ризким юртимга чорлаб турсин дея бир тишлам узиб кетган нонлар осиглик қолгани ҳали-ҳануз кўз олдимида. Уруш аллақачон тугаб, девордаги кемтик нонлар қотиб-қовжираб кетди ҳамки, лекин эгаларидан дарак бўлмади... Умр йўлдоши, жигари ёки фарзандини кўзлари тўрт бўлиб кутган мушфикаларнинг сабру тоқати, жасорати-ку, жилд-жилд китобларга жо бўлгулик эди. Гарчи жангу жадалга кирган оталар, эрлар, ўғиллар бўлсада, мудхиш урушнинг қорайган дарду фироқини тортган садоқат соҳибалари бўлди. Суйганини қотиб турмуш қурмаган навжувон бевалар, қорахат олса-да, умид узгиси келмай, болам бир кун албатта, қайтади дея аза очмаган оналар... Йилларча эшикка термулиб, умри ҳазон бўлган, ой-қуни битаёзганини сезгач эса, фронтдан қайтмаган суоқлиснинг сураги ва ширин дийдор тимсоли бўлиб қолган

ўша кемтик нонни кафани учига боғлаб дафн қилишларини, жанозасига эса шаҳид кетган азизининг ҳам исмини кўшиб ўқишларини васият қилган муштипарлар... Машғум уруш тугайли узоқ йиллик айрилик азобида хаёти завоқ топган, бир умр маҳтал кутган кишини билан энди боқий дунёда дийдорлашмоқ илинжида оламдан кўз юмди улар... Мен ва мен тенгилар мана шундай долғали давр фарзандларимиз. Биз мана шу оғир ва мураккаб замоннинг руҳий ва жисмоний ларзаларини ҳис этиб катта бўлдик, улғайдик. Тақдирнинг зарбали, синовли қулларида ҳам юксак инсонийлик фазилатларига хиёнат қилмаган динёнатли авлодининг ворислари бўлиб воёга етдик. Ушбу хотирам қахрамони бўлмиш академик Тўхтамурод Жўраев шахсиятини шакллантирган муҳит ана шундай, хаёту мамот, меҳнату заҳмат, сабру бардош ва, шубҳасиз, меҳру муруват тенгламалари билан тўйинган эди.

Тўхтамурод Жўраев (1934 – 2009) атоқли ўзбек математиги, фан доктори, профессор, Ўзбекистон фанлар академиясининг ҳамда Туркия Республикаси Отатурк номидаги халқаро илм-фан ва маданият академиясининг, шунингдек, АКШ Халқаро фан, таълим, саноят фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Давлат муқофотлари соҳиби бўлган. Бу зот фундаментал илмий из-

ланишлари билан математика соҳасида илмий мақтаб яратган, жаҳон математика ҳамжамияти томонидан тан олинган камтар олим эдилар. Монографиялари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, юзлаб илмий мақолалари республика ва халқаро илмий нашрларда чоп этилган. Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини АКШ, Англия, Австрия, Венгрия, Германия, Франция, Россия, Италия, Польша, Болгария, Туркия, Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда муносиб намойиш қилган. Неҳалаб фан номзодлари, фан докторларига илмий раҳбарлик қилганлар. Бугунга келиб у кишининг издошлари турли соҳаларда юртимиз ва хорижда муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Тўхтамурод Жўраев олим, педагог, раҳбар ва жамоат арбоби сифатида ҳам тиним билмадилар. Умрлари давомида бирин-бирин Урозраев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтини, Ўзбекистон фанлар академияси Математика институтини, Тошкент давлат университетини, Ўзбекистон фанлар академиясини, унинг қошидаги «Математика» Кенгашини, «Ўзбекистон математика журнали»ни, Ўзбекистон математик жамиятини, номзодлик ва докторлик илмий даражаларини берадиган Ихтисослашган илмий кенгашларни бошқардилар. У киши раҳбарлик қилган жамоалар доим илғорлар сафида бўлган, негаки қарвон бошида зукко

✓ Кутинг!

ХАВФЛИ ҚАСАЛЛИКЛАР ЕШАРИШ СИРИ НИМАДА

Ўқуд «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФА НИМА УЧУН БАЖАРИЛМАЙАПТИ?

Келгуси сонларда

✓ Иқроқ

Дунё ўткинчи. Ким эрта, ким кеч, лекин барибир ўша, охири кун келади.

# ҲАҚИҚАТ ИНМАЙДИ...


Ҳаётимдан кўнглим тўқ. Лекин... Бир ҳақиқат ҳам борки, уни эсласам, ўртанаман, ўзимни у инсон олдига ноқулай сезаман. 1996 йили мен “Фаргона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари бош муҳаррири эдим. Вилоят ҳокимининг шахсан топшириғи билан текширилмаган, ўрганилмаган, редакциянинг бир ходими имзоси остида бўлсада, аслида ҳокимлик тақдим этган бир мақолани чоп этишга мажбур бўлдик. Газета ҳокимлик муассислигида бўлгани учун мен ҳоким топшириғини бажаришим шарт эди, деб ҳисоблаганман. Бу таниқли журналист, Ўзбекистон телевидениеси “Ахборот” дастурининг “Фаргона водийсидаги махсус муҳбири Муҳаммадjon Обидов хақидаги танқидий мақола эди. Обидов газетга раддия

эди. Ҳоким уни чоп этишни тақиқлади. Шунда журналист ўзининг ҳақ-ҳуқуқи, шаънини ҳимоя қилиб судга берди. Суд “Фаргона ҳақиқати”да босилган мақолани тухматдан иборат деб топди ва раддия эълон қилиш вазифасини юкледи. Вилоят ҳокими яна қаршилик қилди. Энди Обидов жиноят иши кўзга таш хақида ариза берди. Шундай бўлди ҳам. Узоқ тергов ва суд мазкур тухмат учун унга алоқадор шахсларни тегишли моддалар билан айбдор деб топиб уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Хайриятки, Президентнинг амниция хақидаги Фармони чиқиб, биз жазони ўташдан муддатдан илгари озод қилидик. Озод қилинганлар орасида вилоят ҳокими ҳам бор эди. Ҳозир айтмоқчи бўлган гапим аслида бу хақида эмас. Биз ҳатто ҳоким босими билан бўлса-да, бир инсонга тухмат қилдик. Судда бу тасдиғини топди ва ҳеч ким баҳслашмади, ҳукм билан. Унинг эса мавқеи, обрўси ошди. Олий Мажлис депутатлигига сайланди. Журналист сифатида Давлат раҳбари сафарларига кўпроқ ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Бу унга биздан, балки ўч олиш имконини кенгайтирди. У-чи? Йўқ, у олийжаноблик қилди. Судланган Тошқўзи Муллаев, Абдужалил Бобоқонов ва мени Обидов доим қўллаб-қувватлаб келди, ишимизни давом эттирдик. Суд ҳукми қонуний қўчга киргач, вилоят ҳокими ва Абдуназар Худойназаровлар вазифасидан озод этилди. Виждоним олдига айтмай, мени Умра сафарига боришимга сабабчи бўлди. Абдужалил Бобоқоновни эса ёнига олган, ҳамон “Фаргона ҳақиқати” газетасида ишлаб келмоқда. Қачон Обидов билан учрашиб қолсам, у гўё ўртада ҳеч қандай кўнгилисизлик бўлмагандек, тутайди ўзини. Мендан, кекса, бетоб журналистдан хабар олиб тургани ҳам бор гап... Ҳаётимнинг кузи ўтиб борапти. Анчадан буён ўйлаб, истиҳола қилиб юрган гапларим, туйғуларимни қоғозга битдим, бугун. Кўнглим енгил тортиди, ундаги бир тугун ечилгандек бўлди. Аллоҳ пок қалби, силан раҳмли инсонларни ҳаминша ўз паноҳида асрасин! Аҳмадали ХОДЖАЕВ “Фаргона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари соҳиб бош муҳаррири



Хикоя

# ЎН СОНИЯ



*Хуршид  
Дўстмуҳаммад*

## САВОЛ БЕРИНГИ

— **Давлат-хусусий шерикчилик асосида боғча таъкил этиши учун имтиёзли кредит шартлари ҳақида маълумот берсангиз?**  
Лобар Полвонова,  
Навоий вилояти

— Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар Тошкент шаҳрида 10 йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 12 фоиз ставка бўйича берилди. Нукус шаҳри, вилоятлар маъмурий марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда — 10 йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 8 фоиз ставка бўйича, туманларда — 10 йил муддатга, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставка бўйича лойиҳа ташаббускорлари ажратилади.  
Subsidya Markazi  
расмий телеграм канали

— **Депутатларнинг асосий вазифалари тизмалардан иборат? Шу ҳақда маълумот берсангиз?**  
Жавоҳир Рустамов,  
талаба

— Депутатлар давлат вакиллик органининг сайлаб кўйилган аъзоси ҳисобланиб, қонулар тайёрлаш ва уларни қабул қилишда иштирок этиш билан бирга, вилоят, туман, шаҳар ҳудудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар. Қонулар ва давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларининг жойларда ижро этилишини назорат қиладилар.  
saylov.uz  
расмий сайти

— **Маҳаллий кенгаши депутатлигига ўз номзодини кўйишим учун қандай талаблар бор?**  
Бобуржон Юсупов,  
Жиззах вилояти

— Маҳаллий кенгаши депутатлигига номзодингизни кўйишингиз учун сайлов куни 21 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлишингиз керак. Агар сайлов кунига қадар номзоднинг судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса, у бирор диний ташкилот, бирлашма ёки Қуролли қучлар, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинма хизматчиси ёки ходими бўлса депутатликка номзод эғиб рўйхатга олинмайди.

— **Сенаторлар сайланадими ёки тайинланадими? Шу ҳақда билмоқчи эдим?**  
Азизбек Маннонов,  
Фаргона вилояти

— Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзолари (сенаторлардан) иборат. Сенат аъзолари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — тўрт кишидан сайланади. Сенатнинг тўққиз нафар аъзоси эса фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамяят фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган, алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Президент томонидан тайинланади. Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунийлик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.  
Марказий сайлов комиссияси  
Ахборот хизмати

— **Партия ваколатли вакиллари деганда кимлар тушунилади?**  
Отабек Жамолов,  
Хоразми вилояти

— Сийсий партиянинг ваколатли вакили сайлов комиссиясининг мажлисларида ҳужжатларни топширишда, сайлов участкасида имзо varaқалари, овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун сийсий партияларнинг ваколат берилган шахслари тушунилади.  
Марказий сайлов комиссияси  
Ахборот хизмати

— **Айни пайтда Олий Мажлис Қонунийлик палатасида неча нафар аёл депутат фаолият юритмоқда?**  
Муҳлиса Раҳимова,  
Тошкент шаҳри

— Олий Мажлис Қонунийлик палатасида Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан 13, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 5, Ўзбекистон “Адолат” СДПдан 13, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 11 ҳамда Ўзбекистон экологик партиядан 4, жами 46 нафар аёл депутат фаолият юритади.  
parliament.gov.uz расмий сайти

— **Меҳнат таътили пули қачон тўланиши керак? Агар кечикса компенсация тўланадими?**  
Қудратхўжа Мусаев,  
Тошкент шаҳри

— Меҳнат таътили пули жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, бироқ таътил бошлангунча қадар охириги иш кунидан кечиктирмай тўланиши лозим. Агар кечикса, иш берувчи тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан ҳар бир кечиктирилган кун учун компенсация тўлаши керак.

— **Номақбул баёнот берадиган чет элликларнинг Ўзбекистонга кириши тақиқлангани деб эшитдим? Шу тўғрими?**  
Махлид Дурбекова,  
Самарқанд вилояти

— Ҳа, тўғри. Бундай шахсларга беш йил давомиде давлатимизга кириш, банкларда ҳисобварақ очиш, кўчмас мулк сотиб олиш, давлат мулкни хусусийлаштиришда иштирок этиш, молиявий ва шартномавий муносабатларга киришиш тақиқланади. Бундан ташқари, уларнинг юртимиз ҳудудида қонуний асосларда яшаш ва бўлиш ҳуқуқи бекор қилиниб, депортация ҳам қилинади. Шу кунларда бу ҳақдаги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунийлик палатасида муҳокама қилинмоқда.

Жалолиддин Темиров,  
хуқуқшунос-маслаҳатчи

### Спорт

## БАҲОДИР ЖАЛОЛОВНИНГ «ОЛТИНИ»ГА КИМЛАР КЎЗ ТИҚМОҚДА?

Франция пойтахти Париж шаҳри мезбонлик қилаётган навбатдаги Ёзи Олимпия ўйинларининг бокс мусобақалари 27 июндан 10 августга қадар давом этади.

Ута оғир вази тоифасида Олимпиада чемпиолигига асосий даъвогар сифатида айни пайтда жаҳоннинг энг кучли боксчиси ҳисобланган Баходир Жалолов эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Баходир Парижга амалдаги жаҳон ва Олимпиада чемпиони сифатида йўл олади.

Экспертларнинг таҳлилига кўра, Баходир Жалоловнинг Париж рингларидеги асосий рақиблиридан бири қозғистонлик Қамшибек Кунқабасев бўлади. Баходир ушбу рақибини шу кунга қадар етти мартаба мағлубиятга учратган.

Шунингдек, Абнер Тејше́ра (Бразилия), Айюб Гадфа (Испания) ҳамда Нельви Тиафак (Германия)лар рақиблик қилиши кутилмоқда. Маълумот учун, Баходир профрингде ҳозиргача 14 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида рақиблирини муддатидан олдин таълим этган.

### «MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI

**JAMOATCHILIK KENGASHI:**  
Alisher QODIROV – kengash raisi

Akmal SAIDOV, Abror PO-LATOV, Amriddin BERDIMURODOV, Akmal JUMABOYEV, Bahodir MAMATXONOV, Ilhom ABDULLAYEV, Ibrohim G'OFUROV, Iroda DADAJONOVA, Minhajiddin MIRZO, Nuriyman ABULXASAN,

Odiljon TOJIYEV, Olim O'SAROV, Otabek JIYANBOYEV, Ozodbek NAZARBEKOV, Ortiqali QOZOQOV, To'liqin TESHABOYEV, Feruza MUHAMMEDJANOVA, Xurshid DO'STUMHAMMAD, Sherzodxon QUDRATXO'JA, Shuxratjon AXUNDJANOV.

Bosh muharrir: Mirodil ABDURAHMONOV

### Tahririyyat Manzili:

Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Maqsud Shayxzoda ko'chasi, 1 A-uy. Gazeta tahririyyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mualliflar fikri tahririyyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.

Gazetada Internet ma'lumotlari va suratlaridan foydalanildi.

Tahririyyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborida bo'lib, ular mualliflariga qaytarilmaydi.

**NAVBATCHI MUHARRIRLAR:**  
Abdug'afur OMONBOYEV, Mahbuba KARIMOVA, NASHIR UCHUN MAS'UL: Ma'murjon YO'LDOSHEV

**NAVBATCHI:**  
Feruza XODJAYEVA, DIZAYN GURUHI: Asilbek QUDRATOV, Firdavs HAMIDULLAYEV

**Elektron pochta:**  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Gazeta «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.  
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

**Adadi – 5 063.**  
Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.  
**Qog'oz bichimi:** 350x587. Hajmi: 4 bosma taboq  
Buyurtma: G – 621  
Boshiga topshirish vaqti 21:00.  
Topshirildi 02:20

**Telefon:**  
(97) 755-10-11

ISSN 2010-7714

123456